

# ШАРТНОМА № 6

Андижон шаҳар

<<04>> март 2022 йил.

Бир томондан «STERIL FARM» маъсуляти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи» деб юритилувчи Низом асосида иш олиб юрувчи номидан Қ.Халилов ҳамда, бир томондан «ADTI "YU.OTABEKOV" NOMLI KLINIKASI» маъсуляти чекланган жамияти бундан буён матнда «Олувчи» деб юритилувчи Низом асосида иш олиб борувчи номидан Б.Раҳманов иккинчи томондан куйидагилардан иборат ушбу шартномани туздик.

## 1. Шартнома мазмуни.

1.1. «Етказиб берувчи» ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни мазкур шартномада шартлашчилган муддатда «Сотиб олувчи» га етказиб беради. «Сотиб олувчи» маҳсулотларни қабул қилиш ва улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Маҳсулотларнинг номи, миқдори, сифати ва нархи тўғрисида маълумот:

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий суммаси
1	Жарроҳлик амалиётида беморларга ишлатиладиган бир маротабалик стерилланган протина, эндопротез, халат	дона	2 500	10 800	27 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>27 000 000</b>

Шартноманинг умумий баҳоси: 27 000 000 (йигирма етти миллион сўм)

## 2. Етказиб бериш шартлари

- 2.1. «Етказиб берувчи» фақатгина «Сотиб олувчи» дан ушбу шартноманинг 4.1-бандидаги тўловини амалга оширган кунидан бошлаб 15 кун ичида маҳсулотларни етказиб бериши шарт.
- 2.2. «Сотиб олувчи» олинётган маҳсулотни «Етказиб берувчи» дан қабул қилиб олади ва ўз транспортида олиб кетади, сифат ва миқдор хусусида бўладиган эътирозлар маҳсулотни қабул қилиш жойида ҳал қилинади, маҳсулотни қабул қилиб олганидан кейинги эътирозлар қабул қилинмайди.

## 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 3.1. «Етказиб берувчи «Сотиб олувчи»га маҳсулотларни етказиб бериш учун у ортирилган пайтдан бошлаб 24 соат ичида ортиш амалга оширилганлиги ҳақида маълумот бериш шарт. Маълумот куйидагилардан иборат бўлиши керак:
- ортиш санаси, маҳсулотнинг номи;
  - ортирилган маҳсулотнинг ҳажми;
- 3.2. «Сотиб олувчи» етказиб бериш даврийлиги, шунингдек маҳсулотларнинг миқдори ва ассориментини мустақил белгилайди.
- 3.3. Маҳсулотларнинг тўлиқ етказиб бермаган миқдорини тўлиқ етказиб бермаслик аниқлангандан пайтдан бошлаб 3 кун ичида ёки Сотиб олувчининг розилиги билан шартноманинг амал қилиш муддати доирасида етказиб беришда тўлдириб қўйишга ҳақли.
- 3.4. «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи» га маълум қилиш орқали етказиб бериши кечиктирилган маҳсулотларни қабул қилишдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

## 4. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

- 4.1. Сотиб олувчи етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан 30 % миқдорида тўловини амалга оширади, қолган 70 % миқдори маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади. «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб-китоб ҳисоб-варағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширади.
- 4.2. Нархнинг ҳар қандай ўзгаришига, фақатгина тарафларнинг розилиги бўйича йўл қўйилади.

## 5. Маҳсулотларни топшириш қабул қилиш.

- 5.1. Маҳсулотни қабул қилишда «Етказиб берувчи» унинг номи, миқдори, ассорименти ва сифати бўйича транспорт ва йўлдош ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мос қилишини (мазкур шартномага ва буюртмага мос қилишини ҳам) текширади.

5.2. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш тугалланиши билан Сотиб олувчи махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузади.

Харидор томонидан далолатноманинг имзоланиши текшириш тўлик ҳажмда ўтказилганлигини аниқлатади.

#### 6. Махсулот сифати.

6.1. «Ўтказиб берувчи» Сотиб олувчи, унга ўтказиб бериладиган махсулотнинг сифати стандарт ва талабларига мувофиқ келишига қафолат беради.

#### 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Махсулотни лозим бўлган сифатда ўтказиб берилмаган вазиятда Сотиб олувчи «Ўтказиб берувчи» га:  
- сотиб олиш нарҳини маълум ҳажмда камайтиришга;  
- Махсулотнинг камчиликларини белгиланган муддатда текинга бартараф этишга;  
- Махсулот камчиликларини ўзи бартараф этишига доир харажатларини қоплашга талабнома билдириш ҳуқуқига эга.

7.2. Агар «Ўтказиб берувчи», мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотлар миқдорини ўтказиб бермаса ёки сифатсиз Махсулотларни белгиланган муддатда алмашириб бериш тўғрисидаги Сотиб олувчи талабини бажармаса, Сотиб олувчи ўтказилмаган махсулотларни бошқа шахслардан сотиб олиш ва бунда уларни сотиб олишнинг барча зарур ва оқилона харажатларини «Ўтказиб берувчи» га юклатиш ҳуқуқига эга.

7.3. Сотиб олувчи лозим бўлмаган сифатдаги махсулотлар ҳақини тўлашдан воз кечиш, агар бундай махсулотлар ҳақи тўланган бўлса, тўланган суммаларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. «Ўтказиб берувчи» Сотиб олувчининг олдиндан маблағи бўлган ҳолда махсулотларни белгиланган муддатда ўтказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун ўтказиб берилмаган товар суммасининг 0,5% миқдорда Сотиб олувчига пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган махсулот қийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.

7.5. Сотиб олувчи олинган махсулот учун тўловни белгиланган муддатда амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган суммасининг 0,4% миқдорда «Ўтказиб берувчи» га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50%дан ортиб бўлмаслиги лозим.

7.6. Бошқа вазиятларда Тарафларнинг жавобгарликлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

#### 8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

8.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар энг аввало томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса, Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

#### 9. Шартнома муддати.

9.1. Шартнома томонлар имзоланган кундан қонуний кучга киради ва 31-декабр 2022-йилгача амалда бўлади. Шартнома муддатининг тугаши томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган ҳолда икки нусхада тузилади ва томонларда бир нусхадан сақланади.

10.2. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўзма шаклда тузилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.

#### 11. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

##### ЎТКАЗИБ БЕРУВЧИ: "STERIL FARM" МЧЖ

Манзил: Андижон шаҳар, Б.Минал кўчаси-124.

Тел.: +998 90 524-04-88

Х/Р.: 2020 8000 0053 4651 6001

Банк: "Савдогар Банк" АТБ Андижон вилоят филиали

СТИР: 308 210 452 МФО: 00081

ОКЭД: \_\_\_\_\_ НДС коди: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Қ.К.Халилов

##### ХАРИДОР:

«ADTI "YU.OTABEKOV" NOMLI KLINIKASI»

Манзил: Андижон шаҳар Бобур шох 8-уй

Х/Р: 401410860034017073101054001

Тел: \_\_\_\_\_

Х/Р: 2020 3000 9002 8528 0001

Банк: "Ипатека-Банк" АТИБ Андижон вилоят филиали

СТИР: 200 236 942 МФО: 00059

ДС коди: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Б. Ж. Раҳманов

Ўриет: \_\_\_\_\_

А. Мамажониев